

**“ЖАРҚЎРҒОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИУМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ
3-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35-уй**

2021 йил 01 ноябрь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Толачи кўчаси 35-уй, “Жарқўрғонпахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 5 034 990.

“Жарқўрғонпахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқариумумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамиятбош директорининг 2021 йил 07 октябрдаги 01-01/80-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган қарорга мувофиқ 2021 йил 01 ноябрда ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2021 йил 26 октябрь.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Халбаев Тўрамурад Жайлозович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси- бош мутахассиси- жамият кузатув кенгаши раиси- йиғилишда раислик қилувчи;

2. Гулямов Нигматулло Кадиорович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси- жамият кузатув кенгаши аъзоси.

3. Исломов Акмал Хакимович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

Йиғилиш котиби этиб Ш. Баратов – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Т. Халбаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Ш. Баратовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2021 йил 26 октябрь ҳолатига шакллантирилган “Жарқўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 897 та акциядорга тегишли 5 034 990 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 580 440 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,25 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Р.Турсунов—жамият Бош директори в.в.б..

Йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУНТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.

3. “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ балансидаги “Сурхондарё пахта уруғчилиги” МЧЖ устав фондининг 27,49 фоиз улушини баҳоланган нархда, яъни 3 577 570 774 (уч миллиард беш юз етмиш етти миллион беш юз етмиш минг етти юз етмиш тўрт) сўм миқдорида Е-ижро аукцион савдосида чиқариш бўйича.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Жамият кузатув кенгашинининг 2021 йил 12 октябрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Баратов Шаймардон Суюнович – Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи, Қулмуминов Жовли Қулашарович - иш хақи бўйича катта ҳисобчи ва ходимлар хизмати бошлиғи-Лутфиллаева Шоира Махмудовналарнинг номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 580 440 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар-йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- Баратов Шаймардон Суёнович;
- Қулмуминов Жовли Қулашарович;
- Лутфиллаева Шоира Махмудовна.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 567 840 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан, Исломов Акмал Хакимович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси, Қиличов Ўктам Менгнорович- “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси, Кучкинов Холияр Бойтураевич - “Қўмқўрғон пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директор-бош ҳисобчи.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Исломов Акмал Хакимовичга:

“Ёқлаганлар” – 2 580 440 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Қиличов Ўктам Менгноровичга;

“Ёқлаганлар” – 2 580 440 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кучкинов Холияр Бойтураевичга;

“Ёқлаганлар” – 2 580 440 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”-

йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Исломов Акмал Хакимович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси.

2. Қиличов Ўктам Менгнорович- “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси.

3. Кучкинов Холияр Бойтураевич - “Қўмқўрғон пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилиш раиси Т.Халбаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш белгиланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 11 майдаги “Ўзпахтасаноат” АЖ ва тизимдаги корхоналарининг активлари (мол-мулк, бино-иншоот ва акция (улуш) пакетлари)ни сотишни жадаллаштириш бўйича 02/1-668-сон топширигига биноан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги 4-сон

баённомасига асосан “Тартиб” ишлаб чиқилганлиги хақида йиғилиш қатнашчиларига эслатиб ўтди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарор ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, жамият балансида бўлган “Ўзпахтасаноат” АЖ активлари, унинг тизимидаги корхоналар ёки уларнинг активлари, (ишлаб чиқариш кластери сотиб олишни рад этган) бино-иншоот, мулкый мажмуа, акция пакети ва улуш)ни оммавий савдоларга чиқариш “E-ijro aukcion” савдо майдонига жойлаштириш бўйича ўз таклифини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига асоса Жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёки унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёхуд бир неча иштирокчисига сотишга ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли. Бундай битимни тузиш учун, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

Жамият иштирокчиси, агар жамиятнинг уставида тақиқланган бўлмаса, ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунига қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Жамият иштирокчиларидан бирортаси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият иштирокчилари учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланади. Бундай ҳуқуқдан жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси фойдаланиши мумкин. Агар жамиятнинг уставида ёки жамият иштирокчиларининг келишувида имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун улушни сотиб олишнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, жамият иштирокчилари томонидан улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олиш устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда амалга оширилади.

“Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ томонидан “Сурхондарё пахта уруғчилиги” МЧЖ иштирокчиларига улушни сотиб олиниши бўйича 2019 йил 27 январда 01-08/11–сонли таклиф берилган, жамият иштирокчилари томонидан сотиб олиш бўйича розилик берилмади.

Шунга асосан, “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ балансидаги “Сурхондарё пахта уруғчилиги” МЧЖ устав фондининг 27,49 фоиз 2 948 239 987 (икки миллиард тўққиз юз қирқ саккиз миллион икки юз ўттиз тўққиз минг тўққиз юз саксон етти) сўм улушини қайта баҳоланган нархда, яъни 3 577 570 774 (уч миллиард беш юз етмиш етти миллион беш юз етмиш минг етти юз етмиш тўрт) сўм қийматда Е-ижро аукцион савдосига чиқариш бўйича таклифини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи Т.Халбаев акциядорлардан юқоридаги масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 580 440 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар–йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “Жарқўргон пахта тозалаш” АЖ балансидаги “Сурхондарё пахта уруғчилиги” МЧЖ устав фондининг 27,49 фоиз улушини баҳоланган нархда, яъни 3 577 570 774 (уч миллиард беш юз етмиш етти миллион беш юз етмиш минг етти юз етмиш тўрт) сўм миқдорида Е-ижро аукцион савдосига чиқарилсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиха офисига маълумот киритиб борилиши жамият бош директори в.в.б. Р.Турсуновга юклатилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Т.Халбаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Т.Халбаев

Йиғилиш котиби:

Ш.Баратов

Йиғилиш баённомаси 2021 йил “ 11 ” ноябрькуни икки нусхада тузилди.